

О'ЗБЕКИСТОНДА СОГ'ЛИҚНИ САҚЛАШ ЗДРАВООХРАНЕНИЕ УЗБЕКИСТАНА

Тиббиётнинг oliy maqsadi — inson salomatligiga erishishdir.



Высшее благо
медицины —
здоровье.

❖ Gazeta 1995-yil oktabr oyidan chiqa boshlagan. ❖ № 42 (454) 2005-yil 25-31 oktabr ❖ Seshanba kunlari chiqadi. ❖ Sotuvda erkin narxda.

Хаётнинг гўзал ва мунаввар кунларига янги саҳифалар очиб бораётган матбуотсиз ҳеч бир кунни тасаввур этиб бўлмайди. Ҳар бир инсоннинг ҳам ўзи севган наشري ва матбуот кўзгуси бўлади. У мана шу кўзгу орқали умрнинг мазмуни дақиқаларини чуқур ҳис этиб, бевосита унинг қанотида парвоз этиб боради. Бугун республикамиздаги барча тиббиёт ходимларига рамзий маънода қанот бўлаётган “Ўзбекистонда соғлиқни сақлаш — Здравоохранение Узбекистана” газетаси 10 ёшга тўлди.

Тиббиётчиларнинг сеvimли наشري бўлган «Ўзбекистонда соғлиқни сақлаш — Здравоохранение Узбекистана» газетаси бугунги кунда вақтли матбуотда ўз нуфузига эга бўлмоқда, десам янглишмаган бўламан. Чунки, газета бу давр мобайнида рақобатбардошликнинг синови майдонида салоҳиятини йўқотмай келди. Тиббиёт тизимида ислохотлар асосида олиб борилаётган фаолиятлар, янгиликлар, изланишлар ва ҳамкорлик ишларининг газета саҳифаларидан ўрин олиши юқорида қайд этилган фикримнинг ёрқин далилидир. Лекин ижод аҳли учун бу соҳада қалам тебратиш осон эмас. Тиббиётнинг кенг қирралиги шу қадар сарҳадсизки, унинг сир-синаотли, ноёб, билмий уммонлари ҳар қандай мутахассисни ҳам, ижодкорни ҳам чуқур изланишга ундайверади. Демак, журналист учун бу доводдан ошиш ниҳоятда мушкул. Бунинг учун унда иқтидор шу қадар кучли бўлиши ва у ўзининг захматли меҳнати билан мавжуд қийинчиликларни энгиб ўтиши керак. Газетанинг ҳар сонини ўқиганимда ушбу тахририят ижодкорларининг оғир ва машаққатли меҳнатлари маҳсулини кўраман. Ва вазирликнинг ана шундай газетаси мавжудлиги билан фахрланаман.

Тахририятнинг аҳил жамоасини газетанинг ўн йиллик юбилеи билан қизгин ва самимий қутлаб, ижодий фаолиятларига юсак парвоз тилайман.

Феруз НАЗИРОВ,
Ўзбекистон Республикаси
Соғлиқни сақлаш вазири.



*Қўнғи бўлсин бугунги қўнғи айёминг,
Қалбимизга келтирган шодлик қувончинг.*

*Саҳифангга порласин доим нуф-зиё,
Ўқиганлар ошқўфта, бўлсин маҳмиё.*

Матбуот эркинлиги йўлида катта ислохотлар олиб борилаётган даврда ўзининг муносиб ўрни ва йўлига эга бўлган тиббиёт ходимларининг чин маънодаги минбарига айланган “Ўзбекистонда соғлиқни сақлаш — Здравоохранение Узбекистана” газетасини 10 йиллик юбилеи билан қутлар эканман, уларнинг бу давр мобайнида қўлга киритган ютуқлари, тиббиётнинг бугунги қиёфаси, долзарб мавзуи ва янгиликлари билан изчил одимлаётган, турли жабҳалардаги ибратли фаолиятлар, айниқса келажакнинг истиқболи йўлида республикада оналик ва болаликни муҳофаза қилиш ишларига қаратилган хизматларнинг муайян тарзда газета саҳифалари орқали кенг ёритилиши мени мутахассис ёнқини доимий бир муштарий сифатида беҳад қувонтиради.

Муборак 10 ёш нафақат тахририят ходимлари, балки бутун республика аҳли — тиббиётчиларнинг ҳам фахр-ифтихори ва масъулияти ақс этган айёмдир. Шу байрам арафасида мен тиббиёт ходимларининг ана шундай шарафли касбларини доимий ёритиб боришда тиним билмасдан меҳнат қилаётган тахририят ходимларига соғлиқ-саломатлик, оилавий бахт ва эзгу ишларида муваффақиятлар тилайман!

Светлана ИНОМОВА, сенатор,
Ўзбекистон Республикаси Бош вазири
ўринбосари, Ўзбекистон хотин-қизлар кўмитаси раиси.

Халқ билан ҳамнафас яшашдан ортиқроқ бахт борми?! Ана шундай бахтга муяссар бўлган «Ўзбекистонда соғлиқни сақлаш — Здравоохранение Узбекистана» газетаси ижодкорлари меҳнатини жуда ҳурмат қиламан. Газета саҳифаларини varaқлар эканман, ундаги ранг-баранг мавзудаги мақолаларнинг мазмун ва моҳияти унинг ноёб хислатларини намойён этгандек бўлади.

Дарҳақиқат, газета 10 ёшини қарши олар экан, у қисқа фурсат ичида ўзининг маҳсулий натижаларини бера олди. Тахририятнинг ижодий жамоаси халқнинг саломатлиги йўлида фидойий меҳнат қилган тиббиётчилар фаолиятини тараннум этган бўлса, аҳолининг дардли қалбига мадад бўлди. Шундай экан, тиббиётчиларнинг сеvimли наشري бўлган газетанинг 10 йиллиги барчамизга муборак бўлсин. Газета ходимларининг қаламлари янада чархлансин, кўзларининг нури эса ҳеч қачон сўнмасин!

Озода МУХИТДИНОВА,
Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш
ходимлари касаба уюшмаси
Марказий Кенгаши раиси.

РЕКЛАМА ВА E'LOMLAR: TEL.: 133-13-22, 133-57-73.

ГАЗЕТАНИНГ БУГУНИ ВА ИСТИҚБОЛИ

Матбуот — бу шундай кучки, унинг қудрати жамиятдаги ҳар қандай вазиятни ўзгартири олиши ва бир пайтнинг ўзида муайян таъсир доирасига эга бўлиши мумкин. Унинг пойдевори асосан ҳаққонийлик ва изчиллик тамойиллари асосида бунёд этилган бўлиб, таъсир даражаси эса реалликни ўзида муассамлаштиради. Лекин матбуотда журналистик қобилиятга эга бўлган шундай инсонлар фаолият ўрнатиши керакки, муштарий севиб ўқийдиган наشريдан қайсидир маънода кўнгли тўлиги лозим. Газетхон томонидан билдирилган эътироф ёки эътироз фаолиятда тўри қабул қилиниши муҳим, деб ўйлайман.
Газетамиз бугун 10 ёшга тўлар экан, бу борада сизлар билан фикрлашишни лозим топдим.

Бундан 10 йил муқаддам, муштарийларнинг севимили наشريга айланган қолган «Оила шифокори — Домашний доктор» газетаси ташкил этилган эди. Албатта, ушбу нашрни ташкил этиш, муштарийлар эътиборига ҳавола қилишнинг ўзи бўлмаган. Мазкур газетанинг ташкилотчилари бор куч ва имкониятларини ишга солиб, фаолиятни изчиллик билан бошлаб юбордилар. Ўз йўлини тошган газета киска вақт ичида мухлислар ишончини қозонди. Бу борада кўплаб фидойи инсонлар меҳнати ўз самарасини берди. Лекин иқтисодий қийинчиликлар анча муаммоларни туғдирди. Айрим сабаблар туйфайли газета Соғлиқни сақлаш вазирлиги ихтиёрига топширилди. Шундан сўнг, вазирлик ва тахририятнинг келишувига асосан газетанинг номи «Ўзбекистонда соғлиқни сақлаш — Здравоохранение Узбекистана» деб аталди.

Таъкидлаш жоизки, ҳар бир вақтнинг ўзига хос даврийлиги бўлади. Ўша кезлар, яъни 1998-99 йилларда «Оила шифокори — Домашний доктор» газетасининг ашаддий мухлиси эдим. Вақти келиб ушбу газетада фаолият юритаман деб, ўйлаб ҳам кўрмаган эканман. Тақдир ҳаққоний билан 2000 йилдан бошлаб, севимили газетамда ишлаш бахти насиб этди.

Ўша пайтлардаги шижоат, сергайратлик, қасбимга бўлган меҳрим бўлса керак, тахрири-

ятда фаолият бошлашдан чўчи-мадим. Аксинча, тажрибаим тиббиёт соҳасига бўлган иштиқимни ошира бошладим. Худди шу даврда «Ҳамшира» журналида ҳам ишлардим. Ишлаш жараёнида катта тафовутга дуч келдим. Газетада меҳнат қилиш журналистан ўта тезкорлик ва қобилиятни талаб қилса, журналининг эса 3 ойда бир чиқishi ижодни меъёрлаштириб, бир қолидан чиқиб имконини чеқлаб қўярди. Бу фикрларим билан журналдаги фаолиятни инкор этмоқчи эмасман, балки газета журналистнинг қаламини чархлашда асосий аҳамият касб этишига амин бўлдим.

Газетада фаолият юритганимга 6 ой бўлганида тахририятимизга бош муҳаррир этиб, (марҳум) Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби Субҳонкул Орипов тайинланди. Шундан сўнг, нашрнинг йўналиши ҳамда кадрлар масаласида катта ўзгаришлар бўлди. Афсуски, 2003 йилнинг июнь ойида Субҳонкул Орипов оламдан ўтди. Лекин, бу киска фурсат ичида устоздан амалий кўникмалар олишга мурасар бўлдим. Устознинг вақтида олиб борган саъй-ҳаракатлари туйфайли Соғлиқни сақлаш вазирлиги, тиббиёт муассасалари ҳамда кўплаб ҳалқро ташкилотлар билан ҳамкорлик ишларимиз янада жипслашди. Ёнимда ҳам-фирқ бўлиб, ўзининг ўғитлари билан маслаҳат бериб, ишлаб турган устозимдан ажралиш мен

ушун ниҳоятда огир бўлди. Бирок, устозимнинг менга билдирган ишончини оқлаш мақсадида, газетани янада равақ топтириш учун астойдил ишлашга киришдим.

Ижод бу эркинликни ихтиёр этса, раҳбарлик эса ўта масъулият ва талабчанликни тақозо этади. Тўрт йилдирки, газетада ижрочи муҳаррир лавозимида фаолият юритиб келмоқдаман. Бу давр ичида анча қийинчилик ва муаммоларга дуч келсамда, уларни бор билим ва тажриба билан енгиб ўтишга ҳаракат қилдим. Газетанинг бугунги мавқеи кўтарилиб, мухлисларнинг эътиборига тушишида тахририят ходимларининг заҳматқаш меҳнатлари ўзининг улкан самарасини бераётганини фахр билан айтишим мумкин. Чунки, шу вақт ораллигида тахририятнинг молиявий аҳволи яхшиланиб, иқтидорли кадрлар сафининг кенгайиши фаолиятдаги салоҳият даражасини бирмунча бўлсада кўтарди. Шунингдек, газетанинг адади кўпайиб, биргина тиббиёт ходимлари эмас, балки кенг ҳалқ оmmasига ҳам танилди. Айтишим мумкинки, рақобатчиларимиз йўқ эмас. Гоҳида шундай вазиятлар бўладики, улар томонидан эътирозли фикрлар бўлиб қолганда, ҳолисона ёндошамиз. Бахslashув жараёнида бўлганда ўз гапидан тонанганлар ҳам топилиб қолади. Шахсан мен бундай ноҳақлик ва бўлар-бўлмагса камчилик излайдиган инсонларни кечираолмай-



Нигора УЗОҚОВА, иш юритувчи.

— Қаранг-а, кўз юмиб очгунча газетамиз 10 ёшга кирибди. Фаолият юритаётганимга 4 йилдан ошган бўлса, бу давр мобайнида қанчадан-қанча ўзгаришларнинг гувоҳи бўлиб келдим. Даставвал, ишимни қотиблиқдан бошлаган пайтимда газета материалларини қўл машинкасида терардим. Тезкор замон ўзининг таъсирини кўрсатиб, тахририят компьютер жихозлари билан таъминланди. Иш юритиш суратлари ошиб борди ва шу кунгача муштарийларимиз қадами аригани йўқ. Муаллифлар томонидан келатган турли мавзудаги мақола-тўлар иш сифатини ошириб, газетанинг янада мазмуни ва ўқимишли бўлишида ўзининг ҳаққоний бермоқда.

Айни пайтда газетамиз 10 ёшнинг нишонлаётган экан, иноқ жамоамиз билан ҳамкорликда аудиториясини кенгайтиришга баҳоли қудрат ҳаракат қиламиз.

Мен учун энг фахрлиси шуки, «Сихат-саломатлик йили»да газета ўзининг 10 ёшга қарши олмақда. Бу албатта, тарих саҳифаларида унитилмас муҳр бўлиб қолади, деб ўйлайман. Нашрни ташкил этишдан то шу кунгача фаолият юритиб келадиган жонқуяр инсонларни ва қимматли вақтларини аямасдан севимили газеталарини ўқиб келадиган азиз муштарийларни газетанинг 10 йиллик юбилеи билан дилдан кутлайман.

Ибодат СОАТОВА, ижрочи муҳаррир.



Асен НУРАТДИНОВ, фотомуҳбир.

— Газетада фотомуҳбир бўлиб ишлашим ҳам ўзига яраша қийинчиликлари бор. Айниқса, катта-катта анжуманларда суратга олиш жараёнида кўп мураққаб. Чунки, катнашчиларнинг диққат-эътиборини бўлмасдан, қўлай вазиятни мулжаллаб суратга олиш муҳим. Ундан ташқари, хизмат сафари билан тиббиёт муассасаларида бўлиб, жараёнларни олаётган бир пайтда айрим шифокор ва ҳамширалар суратга тушишни хоҳламай қолади. Бу ҳолат ўз ўрни билан асабга таъсирини кўрсатмай қолмайди. Шунини алоҳида айтишим керакки, фаолиятим бошида ижрочи муҳаррир Ибодат Соатованинг кўрсатмалари билан биргаликда иш юритардим. Гоҳида иш юзасидан тортишиб ҳам қўлардик. Эндиликда эса кўп йиллик фаолиятларим туйфайли меҳнатим махсулини кўряпман. Мен шундай аjoyиб ҳамкасбларим билан биргаликда фаолият юритаётганимдан гоят мамнунман.

Людмила СИДЕЛЬНИКОВА, главный бухгалтер.

— Вот уже не первый год я работаю бухгалтером в редакции газеты «Узбекистонда соғлиқни сақлаш-Здравоохранение Узбекистана». Как известно, бухгалтерский учет — дело нелегкое, требующее большой ответственности. А особенно трудно вести бухгалтерский учет в редакции, потому что своевременное обеспечение работников заработной платой и надзор капитала, действенного на техническое оснащение, все это возлагается на бухгалтера. Но невзирая на все трудности я всегда добросовестно выполняю свою работу.

Когда впервые я вошла в редакцию, благоприятный климат и теплые отношения между работниками, господствующее здесь, очень помогли мне быстро сжиться с коллективом. Меня всегда поражает упорство, трудолюбие и ответственность, с которыми работает коллектив.

Пользуясь случаем, хочу поздравить весь коллектив газеты с 10-летним юбилеем.

Надеюсь и впредь видеть и читать много интересной информации на страницах газеты. А коллективу и всему народу нашей республики желаю личного счастья, крепкого здоровья и успехов в работе.



Валентина ИВАНОВА, корректор.

— Десять лет назад эта газета вошла в нашу жизнь. Сразу привлекло внимание, что большинство статей было посвящено медицинским проблемам и вопросам профилактики некоторых заболеваний, свойственных нашему региону, многим рецептам, которые разработали и внедрили в практику профессиональные врачи Узбекистана.

За все эти годы газета стала добрым советчиком и другом многих читателей. Надеюсь и в дальнейшем читать на страницах газеты интересные, познавательные материалы, знакомые с рассказами о замечательных специалистах в области медицины.

От всей души поздравляю коллектив редакции с 10-летним юбилеем.

Желаю всем творческих успехов и здоровья, такого же крепкого, к какому принадлежат и стремятся все публикации газеты.

Шахнозахон АБДУАЗИМОВА, мусаххих.

— Мазкур газетага ишга келиб, янглишмаган эканман. Айни фаолият бошлаган вақтларимда бир мунча қийин кечди. Чунки, тиббиёт шу қадар чуқур фанки, унинг сир-синоатлари чексиз. Унинг тиббий атамалари шу қадар кўпки, бир-биридан ажратиш ва туб моҳиятини тушуниб етиш ниҳоятда огир. Фаолиятим жараёнида аста-секинлик билан тиббиёт оламига кира бошладим. Олдинига фақатгина мусаххихлик жараёнимни шакллантира бордим. Кейинчалик эса газета саҳифаларидаги материалларни мириқиб ўқийдиган бўлдим. Шу билан бирга касалликлар ва уларнинг олдини олиш, келиб чиқиб сабабларига бағишланган мақоалаларни мутолаа қилганимда мутахассисларнинг бу фикрлари инсон соғлиғи учун муҳим аҳамият касб этишига ишончим ортди.

Газетадаги фаолиятим оила аъзоларимни ҳам бефарқ қолдирмади. Айниқса, отам билан онам газетага шу қадар боғланиб қолишдики, унинг ҳар сонини интизорлик билан куттишди. Эндиликда биргина мусаххихлик эмас, балки жойи келганда мақоалаларни тахрир қилишимга ҳам тўри қолади.

Чунки, бу менинг тиббиётга бўлган ақинлигим бўлса керак. Истардимки, ушбу газета ҳар бир хонадоннинг нурафшон кўзгусига айланса.



Владимир ПОЖОГИН, технический инженер.

— Профессия технического инженера это профессия, которая перешла ко мне от отца. На мой взгляд, создание газеты является одним из самых интересных дел. Со стороны может показаться, что создание газеты дело не трудное: напишешь статью, найдешь интересные материалы и все. Но это отнюдь не так. Ведь только для того, чтобы напечатать готовый макет газеты требуется целый день. А сколько времени уходит на составление материала, корректирование его.

Для меня огромная радость первым прочитав готовый экземпляр газеты и ознакомиться с новостями, происходящими в мире медицины.

От всей души поздравляю весь коллектив газеты с 10-летним юбилеем. Желаю всего самого наилучшего, крепкого здоровья, нескончаемой энергии и успехов в творчестве.



— Шифокорлар учун ягона минбарнинг ташкил этилиши, табиийки, ўз-ўзидан бошқа газета ва журналлар орасида кучли рақобатни келтириб чиқаради.

— Ҳа, бу турган гап. Вахланки, республикамизда тиббий фаолиятларни ёритиб борадиган журнал ва газеталар мавжуд бўлганлиги билан, лекин шифокорларнинг эркин минбарини тўла таъмин этадиган муайян даражадаги нашрнинг йўқлиги бизни анча вақтдан бери ташвишга солиб келарди. Кўпчиликнинг тақлифи, хоҳиш-истаги билан бу масала кўтарилган вазири Шавкат Ибрагимович Каримовнинг шахсан ўзлари янги нашрнинг очилишига розилик билдирдилар. Газетага мени Бош муҳаррир этиб тасвир этишганда, даставвал бу юксак ишонч оқлай олармиканман деган хавотир ҳайлмидан ўтиб қаттарди. Чунки, эндигина очилган газетани тўғри йўлга солиб олиш учун тинимсиз меҳнат қилишнинг ўзи kifoya эмас. Газетанинг муштарийлар қўлига етиб бориши, саҳифаларда ўқимишли, долзарб мавзулардаги мақолаларни чоп этиш масалалари ҳамма вақт ҳам етарли бўлавермаган. Юқорида таъкидланганидек, ўша пайтлар ўртада кучли рақобат бор эди. Гарчанд шундай хавф-хатарлар бўлса-да, асло ороққа чекнамидик. Аксинча, бошланган ишга сидиқидилдан ёндошиб, жамоатчилик асосида меҳнат қилдик. Жамият-да янги бир газета "Оила шифокори" ўз ўрнини тоғанидиган бошимизда осмонда эди.

— Дарвоқе, газета нега айнан "Оила шифокори" дея номланди?

— Бундай деб аталishi асосий сабаб, ҳар бир инсон ёшлиқдан ўз соғлиғига эътиборли бўлиб, оила муҳитида тиббий саломатлик тушунарларини шакллантириши, уни тарғиб қилиши ва ҳар қандай индивидуал шахс борки, оиласининг қайсибир маънодаги шифокорига айланиши кераклиги назарда тутилиб, "Оила шифокори" дея ном берилди. Бу сўзнинг таъғамини ҳам бевосита оиладаги соғлом турмуш тарзи ётади. Газета илк бор шу ном билан чиққанда 1000-1500 нусхада чоп этиларди. Чунки, ҳали унинг аудиторияси вилоят миқёсида кенг қўлч ёймаган эди. Мақолалар тақчиллиги сезилганда тиббиёт институтининг ўқитувчилари турли касалликларга бағишланган ҳар хил мавзулардаги материаллари билан кўмаклашиб келардилар. Кейинчалик муштарийларимиз сони ошиб, газетанинг нусхалари кўпайди. Обуна масалаларига келганда Соғлиқни сақлаш вазирлигининг кўрсатаётган ёрдэмларига суянардик. Барбир асосий ётибор газетхонлар сафини кенгайтиришга қаратилди. Биз имкон қадар газетхонларимизга қизиқарли бўлган мавзуларда мақолалар бериб бордик. Янги руқлар очдик. Айниқса, аёллар саломатлиги борасида мутахассис маслаҳатлари бериб бориларди. Газетанинг бевосита муштарийлар билан яқинлашувида ижрочи муҳаррир В. Журавлёв (мархум), Э. Ҳужаев, А. Тиенский, А. Горошин, М. Миралиев сингари жонқуяр инсонларнинг сай-ҳаракатлари беқийёсдир, деб била-

Шонасир ШОВАХОБОВ:

Дилдан сўхбати

«МАҚСАДЛИ ИШЛАР МЕВАСИНИ КЎРИБ ҚУВОНАМАН...»

"1995 йили Соғлиқни сақлаш вазирлигининг ўтказилган навбатдаги ёзги ҳайъат йиғилишларидан бирида мутахассислар ўзaro келишиб, тиббиёт ходимлари учун махсус газета ташкил этиш масаласини ўртага ташлаган эдилар. Хайрли ва савобли ишга дебоча ясаган мазкур тақлиф тез орада ўз кучини кўрсатди. Яхши ниятлар билан бошланган иш мақбуот ҳаётида яна бир янги нашрнинг дунё юзини кўришига замин яратди..." — дея хотирлайди "Оила шифокори — Домашний доктор" газетасининг собиқ Бош муҳаррири Шонасир Шовахобов.

Дарҳақиқат, ҳар қандай мақсадли ишга эшик очманг, албатта, унинг олдидаги муаммолар, қийинчиликлардан осонликча воз кечишнинг иложи йўқ. Айниқса, янги нашрнинг ҳаёт кўзгусидан муносиб ўрин олиб, ўз муштарийларига эга бўлиши, улар ишончини оқлаш баробарида кучли рақобатни энгиб ўтиши назаримда ҳар бир ходимнинг машаққатли меҳнатлари устувор эканлигини талаб этади.

Шонасир Шовахобов билан бўлиб ўтган сўхбатимнинг илк сониялари ҳам айнан бахтли кунларнинг серташвиш лаҳзаларидан бошланди.

Чунки, улар аҳолининг эҳтиёж ва хоҳиш-истакларидан келиб чиқиб, саҳифаларни ҳар хил мавзудаги руқлар билан бойитишга ҳаракат қилардилар. Мана шу жараёнларда газетхонларнинг муносабатига келсак, албатта, муштарийларимиз ўзларини қизиқтирган саволлар ва мақолалари билан тахририятга тез-тез мақтублар йўллашган. Газета ҳафталик бўлганили боис, унда оддий тиббиёт янгиликлари чоп этиб борилган. Шу тариха "Оила шифокори" нафақат ўзбек тилида балки рус тилида ҳам "Домашний доктор" номи остида фаолият юритди.

— Газета сиз муҳаррирлик қилган даврлар мобайнида қандай самарадорликларга эришди?

— Аввало янги нашрнинг очилиши тиббиёт ходимлари учун катта муваффақиятларга сабаб бўлди. Чунки, шифокорлар энди газета орқали республикадаги тиббиёт муассасаларида амалга оширилган тиббий фаолият ва янгиликлар билан яқиндан танишиш имкониятига эга бўлдилар. Бир сўз билан айтганда мақбуот — уларнинг эркин минбарига айланди. Иккинчидан, газетанинг қўллаб қондорларга қириб бориши маълум маънода оиланинг соғлом муҳитини яратишга хизмат қилди. Оддий аҳолининг сеvimли ва ўқимишли

газетасига айланди.

— Сўнги сўз ўрнида, айни пайтда олиб бораётган фаолиятларингиз хусусида ва газетанинг 10 йиллиги олдида тилакларингиз.

— Газетада муҳаррирлик қилган кезларим асосан Эпидемиология, микробиология ва юқумли касалликлар ИТИ директори лавозимида фаолият юритиб борардим. Бу ердаги асосий вазифа аҳоли орасида юқумли касалликларнинг олдини олишга қаратилган эди. Қарийб 1998 йилгача шу даргоҳда ишлагач, турли тақлиф ва Халқаро ташкилот вакиллик органларининг ишончи билан Халқаро "World Vision" муруват ёрдэмини курсатувчи нодавлат ташкилотнинг миллий раҳбари лавозимига тайинландим. Бу дегани газетадан буткул узоқлашдим дегани эмас, аксинча унинг ҳар ҳафталик сонини топиб ўқишга ҳаракат қиламан. Уқиб туриб, бошлаб қўйган ишларимиз анча ҳосил бераётганигини кўриб қувонаман. Демак, газета бугун 10 ёлга тўлибди. Тилагим, умри зиёда бўлсин, унга ҳусн ва чирой бераётган тахририят ходимларига эса фақат энгилмас шижоат ва ғайрат, соғлиқ-саломатлик тилайман.

Сўхбатни
Намоз ТОЛИПОВ
олиб борди.

Кутлов!

ТИЛАКЛАРИМ СИЗ УЧУН

— «Ўзбекистонда соғлиқни сақлаш — Здравоохранение Узбекистана» газетаси ўн ёшлик таваллуд айёмини нишонлаётган экан, бу сана бевосита бизнинг ҳам байрамдир. Мана, бир неча йилдирки, мамлакатимизда олиб борилаётган тиббиётдаги ислохотлар «Ҳамширалик иши»-га тааллуқли тадбирлар мазкур газета саҳифалари орқали кенг ёритиб борилмоқда. Айтиш мумкинки, ҳамшираларимизнинг жаҳон андозалари даражасида иш олиб боришига кўмаклашадиган бир қатор халқаро алоқаларимизни булган «Ўзбекистонда соғлиқни сақлаш — Здравоохранение Узбекистана» газетаси минбарисиз тасаввур этиш қийин. Ишончим комилки, ҳамкорликдаги ишларимиз бунданда ривожланиб бораверади. Зеро, Ўзбекистон Ҳамширалар Ассоциацияси ва Марказий Осиё давлатлари ҳамшираларининг мувофиқлаштирувчи Кенгаши ҳамда тахририят ўртасидаги узвий алоқалар риштаси мустаҳкам ва узоқни кўзлаб иш олиб боришга асосланган.

Сеvimли газетамизнинг ушбу қувончли кунида барча ижодкорларга омад ёрқ бўлишини, хонадонларидан кут-барака аримаслигини тилаб қоламан.

Рихис СОЛИХЎЖАЕВА,
Ўзбекистон Ҳамширалар Ассоциациясининг раиси.

УВАЖАЕМЫЕ НАШИ ЧИТАТЕЛИ!

Пўлат МИРПУЛАТОВ,
главный редактор.

— В эти дни исполнилось 10 лет нашей газете. Все эти годы мы были вместе и все те изменения, которые происходили как в вашей жизни, так и в системе здравоохранения, были отражены на страницах газеты. За все эти 10 лет коренным образом изменилась система нашего здравоохранения, она стала самой приоритетной статьей финансирования государства, пришли новые люди, появились новые медицинские технологии и лекарственные препараты. Многие заболевания, которые раньше приходилось лечить на выезде в другие страны, теперь прекрасно лечатся в нашей республике. Уровень технического оснащения некоторых областных мед. учреждений не уступает столичным, подготовка врачей поставлена на самый высокий уровень. Все это — достижения нашей независимости и дальновидной политики, проводимой руководством республики.

Сегодня, когда мы отмечаем наш замечательный юбилей, хотелось бы выразить благодарность вам, наши читатели, и пожелать вам всем здоровья и счастья!

Намоз ТОЛИПОВ,
мужик.

— Эрталаб кўз очдим, демак бир ёшга улгайяпман. Ўйлаб қарасам, ҳаётнинг ўзи шундай экан. Юксалиш, кичик погоналардан тортиб, юксак парвозларни кучиш гўё тушга ўхшаса-да, лекин бу ҳаёт қонуниятлари эканлигини қалбан идрок этаман. Интизорлик билан кутилган октябрь ойи қанчалар қувонч бахш этишни ҳатто тасаввур қила олмадим. Сеvimли газетам бугун кучкуватга тўла, навқирон 10 ёшни қарши олаётганидан эса бахтиёрман...

Тахририят мен учун ҳаёт ва фаолият мактаби бўлиб келди. Чунки, университет кучоғида олган билимларим назарий аҳамият касб этса, амалиёт бу ҳар биримизни келажак сари элтадиган тақдир йўлимиз эканлигини тажрибали ва етук журналистлар қўлида меҳнат қилгач, тушуниб етдим.

Энг муҳими, журналист битта йўналишда эмас, балки жамиятнинг турли жаҳаларида қалам тебратта олиш санъатига эга бўлиши кераклигини бош муҳаррир ўринбосари М. Миралиев, бош муҳаррир П. Мирпўлатов, тахририятимиз ижрочи муҳаррири И. Соатов ва бир қанча ўз касбининг фидойиларидан журналистик маҳоратининг ноёб қирраларини ўргандим. Қаерда яхши муҳит бўлса, ўша ерда маълум маънода ривожланиш ва ўсишдан нишона бўлар экан. Айниқса, газетادا кадрларнинг эр-

кин ва етарли шарт-шароитлар замирида фаолият юритиши учун яратилган имкониятлар менда ишга бўлган меҳр ва масъулиятни ошираверди.

Мен бугун қўшалоқ байрам руҳиятидаман. Чунки, Президентли-



миз Фармони билан ташкил этилган Олий журналистика курси магистратурасига қабул қилинганлигим айнан газетамизнинг муқораб юбилей ёши арафасида йўлун нишонланаётганлиги ҳаётимнинг унитилмас ва ширин хотираларига янги саҳифалар очаётганидан хурсандман.

Барчангизга ана шундай бахтли кунлар, бетакорр гўзал лаҳзалар насиб этсин. Газетамизнинг 10 йиллиги боқий бўлсин, деб қоламан.

Ирода ИЛЬХАМОВА,
корреспондент.

— Вот уже десять лет каждую неделю мы с нетерпением ждем выхода очередного номера газеты «Узбекистонда соғлиқни сақлаш — Здравоохранение Узбеки-

стана». Эта газета является самой первой в просвещении вопросов, касающихся медицины. Из номера в номер я узнаю все больше о новостях в мире медицины, о трудовой деятельности представителей этой сферы. Без сомнения можно сказать, что газета вносит свою лепту в воспитание здорового поколения. За время работы в редакции я приобрела знания в составлении статей, изготовлении макета газеты. И еще раз убедилась, что составление газеты дело очень трудное и кропотливое. Оно требует больших знаний и самоот-

дачи со стороны работников. Таких работниками я считаю главного редактора П. Мирпўлатова, исполнительного редактора И. Соатова и заместителя редактора М. Миралиева. Благодаря знаниям, приобретенным здесь, мне улыбнулось счастье, я поступила на Высшие магистрские курсы журналистики при Национальном университете Узбекистана. И надеюсь по окончании курсов внести свой вклад в будущее газеты. Хочется отметить, что коллектив газеты старается оправдать все ожидания читателей. В редакцию газеты часто поступают письма с благодарностью в адрес коллектива редакции, персонала медицинских учреждений за их благородный труд. Но где есть свои плюсы, то конечно, могут встречаться и минусы. И некоторые пишут, может быть, о незначительных, но минусовых сторонах. Мы, в свою очередь, стараемся исправлять все ошибки и благодарим читателей за их небезразличное отношение к судьбе газеты. Очень надеюсь, что и в будущем газета будет так же популярна среди своих читателей. А опубликованные материалы станут стимулом в ведении здорового образа жизни среди населения Республики Узбекистан.

От чистого сердца поздравляю коллектив газеты с 10-летним юбилеем. Желаю всем крепкого здоровья, благополучия семьям и, конечно же, огромных успехов в творческой деятельности.

ЭТО НАЧИНАЛОСЬ ТАК

Беседа с одним из первых создателей газеты

Появление на свет ребенка, - это самое долгожданное и незабываемое событие для родителей. А видеть, как малыш растет, как он познает окружающий его мир и в дальнейшем достижение им самых высоких целей - это сокровенная их мечта. По вашему мнению, дорогие читатели, с чьей помощью человек может достичь своей мечты, от кого он будет черпать знания и навыки на пути к достижениям? И тут же можем ответить на заданный вопрос, что, конечно, этим источником тепла и знаний считается учитель. Первыми нашими учителями мы можем назвать своих родителей, которые с детства прививают нам бесконечную любовь к Родине, народу, знаниям. А далее, для всестороннего развития ребенка, родители передают его в руки педагога. Если задуматься, какая же большая ответственность ложится на плечи учителей и наставников. Ведь они должны оправдать ожидания родителей, которые доверили ему воспитание своего дитя, дабы в будущем он состоялся как человек, обрел свое место в обществе и трудился во благо народа.



Накануне 10-летия со дня выхода первого номера газеты "Узбекистонда солиқлиқ сақлаш - Здравоохранение Узбекистана", мне удалось побеседовать с моим учителем и наставником, одним из основателей этой газеты (в прошлом называемой "Оила шифокори - Домашний доктор"), а на сегодняшний день главным редактором Информационно-рекламного агентства "Фотопресс" Эльпаридом Ходжаевым.

- Эльпарид Максумович, хотелось бы узнать от вас об истории рождения газеты "Узбекистонда солиқлиқ сақлаш - Здравоохранение Узбекистана", то есть бывшей газеты "Оила шифокори - Домашний доктор".

- Отвечая на ваш вопрос, нужно отметить, что в истории появления этой газеты участвовало много талантливых, трудолюбивых и преданных своему делу людей. В то время я работал в одном из отделов пресс-агентства. Однажды в беседе с сослуживцами мы коснулись темы деятельности газет. И тогда А. Горошин (журналист, возглавлявший многие годы журнал «Кино») высказал такую мысль. В каждой сфере деятельно-

сть фундаментом в воспитании квалифицированных врачей-специалистов. Министр поддержал наши планы и заявил, что мы можем полностью рассчитывать на поддержку со стороны Министерства здравоохранения. Стоит отметить, что огромную лепту в создание газеты внес первый заместитель министра здравоохранения Равшан Султанов. Благодаря неустанной трудовой деятельности коллектива редакции все старания оправдались. А с помощью главного редактора газеты, доктора медицинских наук, профессора Шонасира Шовахабова страницы газеты наполнились рядом интересных и актуальных статей.

Изложить все мысли на белом листе дело нетрудное, но преодолевать проблемы, с которыми мы сталкивались во время трудового процесса, действительно было нелегко. Бывали трудности с нехваткой современных технологий, в поисках квалифицированных кадров и другие.

На ваш вопрос о том, каким должен быть творческий деятель, я хочу ответить, что творец обязан иметь широкий кругозор, трезвый взгляд, правильно оценивать происходящие события, быть трудолюбивым, любознательным, оперативным, обладать многими другими ценными качествами. Среди журналистов часто говорится, что достичь горизонт будет по силам, если бог вложит в душу человека талант. Но с сожалением можно сказать, что в наши дни молодые люди, желающие стать журналистами, не относятся с особой ответственностью к этой сфере деятельности. Поэтому иногда выходят посредственные статьи. Я бы хотел обратиться к моло-



сти имеются свои печатные органы, которые информируют читателей о новинках в той или иной области. Но к великому сожалению, в сфере здравоохранения таковой газеты не было. Хотя медицина является самым необходимым помощником в укреплении здоровья граждан, в воспитании сильного поколения, в построении демократического общества. В республике трудятся такие высококлассные специалисты, чьи заслуги просто обязаны быть представлены примером для будущих врачей - хранителей здоровья. Появление медицинской газеты было вызвано жизнью. И возвращаясь к нашей теме об организации газеты, могу сказать, что через некоторое время нам удалось сплотить небольшой коллектив для единой цели - создания газеты. После обращения в Информационно-пресс-агентство с предложением дать газете статус частной газеты, нам посоветовали, чтобы газета выпускалась при Министерстве здравоохранения Республики Узбекистан. На встрече с бывшим министром здравоохранения Ш. Каримовым мы поделились нашими планами о будущем газеты, о том, что она должна

иметь широкий кругозор, трезвый взгляд, правильно оценивать происходящие события, быть трудолюбивым, любознательным, оперативным, обладать многими другими ценными качествами. Среди журналистов часто говорится, что достичь горизонт будет по силам, если бог вложит в душу человека талант. Но с сожалением можно сказать, что в наши дни молодые люди, желающие стать журналистами, не относятся с особой ответственностью к этой сфере деятельности. Поэтому иногда выходят посредственные статьи. Я бы хотел обратиться к моло-

На сегодняшний день "Узбекистонда солиқлиқ сақлаш - Здравоохранение Узбекистана" - единственная в республике газета, охватывающая сферу медицины. До тех пор, пока в редакции будут работать такие специалисты как вы, то у газеты будет много читателей.

дым начинающим журналистам: раз вы решились ступить на землю журналистики, то нужно придерживаться правил и журналистской этики.

- Уважаемый Эльпарид Максумович, тут я хочу задать вам очередную вопрос, касающийся печатания газеты. Кому приходится отвечать за ее издание?

- Конечно, подбор хорошего материала, рисунков и заметок зависит от редакции. После создания макета, набора гранок, она передается в руки издателей. В издании газеты вот уже который год нам помогает ИПК "Шарк". Особую признательность нужно выразить именно этому издательству. Ведь не секрет, что за все это время (с 1995 года) у нас случались проблемы с нехваткой бумаги. И в такие трудные моменты большую помощь нам оказывали работники этого концерна. Я никогда не забуду эту помощь.

За все время работы в редакции у меня появилось много друзей, учеников, которые до сих пор отдают все свое время и силы газете. Особенно выделялись такие люди, как Ш. Шовахабов, А. Горошин, А. Титенский, М. Самойлов, М. Миралиев, ушедший из наших рядов В. Журавлев и многие другие, ныне здравствующие.

В самом начале моей трудовой деятельности я был тесно связан с проектом "Здоровье". С гордостью могу сказать, что и по сей день сотрудничество с этим проектом стало традицией в нашей газете.

- Уважаемый наш наставник, в беседе с вами чувствуется, что любовь к этой газете до сих пор греет ваше сердце. Ваше усердие, трудолюбие и профессиональные качества помогли в создании этой газеты. Вспоминается, что в любое время вы старались помочь каждому сотруднику, пришедшему к вам за помощью. Вы бескорыстно делились своими знаниями с каждым, и при этом говорили, что светлое будущее газеты зависит не только от редактора, но от каждого работника редакции.

гов, Владимир Журавлев, и заместитель главного редактора Миржалол Миралиев. Я обязательно постараюсь оправдать все советы моих наставников и продолжу дело моих учителей. А вас, Эльпарид Максумович, и всех моих коллег я поздравляю с 10-летним юбилеем опубликования первого номера газеты, желаю вам больших успехов в вашей столь не легкой, но почетной деятельности.

Беседовала Ибодат СОАТОВА, исполнительный редактор газеты.

Дил изхори

ЧАҚАЛОҚ ИНГАСИДАН НУРАФШОН ОЛАМ

Фарзанд... Интиқиб қутилган орзу-умид, умрининг мазмуни, ҳаётнинг давомчиси. Ҳа, дунёда ота-она деган номга миссар бўлиш нақадар улкан бахт.

Ана шундай оналик бахтига муяссар бўлиш нияти билан саккиз йил давомида фарзанд кўриш мақсадида даволанмаган шифоконим, муружот қилмаган шифокор қолмади. Афсуски, барча уринишларим зое кетди. Наҳот излаб борган жойларимдан аниқ ташҳис ололмадим. Бу ҳолат мени кун сайин тушқунликка тушира бошлади. Юрагимдаги гашлик, қалбимдаги изтироб, одамларнинг таъна гаплари туйғули яшайдан умидим қолмагандек эди. Аламли кунларнинг бирида тўсатдан бетоб бўлиб қолдим. Ичимдаги кучли оғриқ борган сари зўрайиб, тез ёрдам чақиршига мажбур бўлдим. Мени зудлик билан Тошкент шаҳри Яққасари туманидаги 8-туғруқхонанинг акушерлик-гинекология бўлимига олиб келишди. Дардим шу қадар зўр эдики, бу ёруғ дунё ҳам кўзимга қоронғи бўлиб кўринарди. Ниҳоят, туғруқхонанинг бўлим бошлиғи Хилола Тўлаганова ва акушер-гинеколог Мурод Аведзурдиевлар менга тезда биринчи ёрдам кўрсатиб, барча муолажалардан кейин жароҳлиқ усулини амалга оширишни айтидилар. Бутун вужудим бўйлаб тарқалган кучли оғриқ билан жароҳлиқ столга қандай ётганимни ҳам билмайман. Кўзимни очсам, ёнимда парвона бўлиб турган туғруқхонанинг бош шифокори, профессор Тоймас Тўлаганов дардимга малҳам бўлаолмагани ширин сўзлари билан ўқис қалбимни кўтариб, ташҳисим саккиз йил давомида нотўғри қўйиб келинганлигини келажакда эса оналик бахтига мушарраф бўлишимни айтишларида кўзларимдан секинч ёшларни оқди.

Наҳоткорим бўлган Тоймас Эргашевич бошчилигида ўтказилган операциянинг муваффақиятли чиққалиғи биргина мени эмас, балки оила аъзоларимни ҳам қувонтирди. Бир-бирдан меҳрибон ҳамшира ва шифокорларнинг ғамхўрликларини кўриб, дунёда ана шундай қалби пок, нияти улғу инсонлар борлигига амин бўлдим. Менинг ҳаётимни сақлаб қолишда ўзининг беиннат хизмати билан фидойилик кўрсатган, беназир инсон Тоймас Эргашевич Тўлаганов, ўзларининг ширин сўзлари билан жонимга оро кирган бўлим бошлиғи Хилола Тоймасовна, акушер-гинеколог Мурод Орунович ҳамда бир-бирдан қаҳқон ва меҳрибон ҳамширалардан Шохида Ермухамедова, Зухра Акбаровна, Саодат Мамановалардан бир умр миннатдорман. Инсонлар дардига малҳам бўлаётган ўз касбининг фидойилари, бағри кенг, хушмуомала шифокорлар бахтимизга доимо омон бўлсинлар.

Шунингдек, бундан олдин Жиззах вилоятининг кичик туман ҳудудида жойлашган акушер-гинекология бўлимида фаолият юритиб, ҳаётда ҳар бир аёлга оналик бахтини армуғон этиб келаятган Милоҳат Мустафоевич билан менга кўрсатган ёрдамидан гоят мамнунман. Қўли енгил шифокор тўғрисида фикрларимни баён этар эканман, аввало Оллоҳ инъом этган мўъжизасор касб соҳиббасига ҳавасим келади. Бу ўринда устозлари Муътабар Шукурова, Марҳамат Мамаражабова ва Дилбар Умароваларнинг меҳнатлари беқийсдир. Чунки ўз касбининг билимидон, тиниб-тинчимас Милоҳат Мустафоевич устозларидан ўрганган тажрибаларини фаолиятида қўллаб, минглаб фарзандларнинг дунёга келишига сабабчи бўлмоқда.

Бутун қалби меҳнат билан йўғрилган Милоҳат Мустафоевич ўтказган муолажалари-ю, меҳрибонлигидан даво топар эканман, ўзим ва оила аъзоларим номидан самимий дил изхориим "Узбекистонда солиқлиқ сақлаш - Здравоохранение Узбекистана" газетасини орқали йўлламан. Ёш шифокорнинг келгусидаги фаолияти янада равақ топиб кетишига тилақдорман.

Ниятим ҳар бир хонадон чақалоқнинг жанрдоғ йиғиси билан нурафшон бўлсин!

Комила ФАРМОНОВА,
журналист.
Тошкент шаҳри.

Севимли газетамиз – 10 ёшга

ЖУДДИ КЕЧАГИДЕК...

Шу кунларда газетамизнинг 10 ёшга тўлиши муносабати билан жамоамиз – биз учун қадрли бўлган муштарийлардан табрик хатлари олмақда. Газета учун ўн ёш, аслида унчалик катта сана эмас. Аммо шиддатли кечаётган замонамизда тенглар ичида тенг турмоқ, энг асосийси айтар сўзининг тинглайдиган, юзлаб матбуот нашрлари орасидан сени танлаб, сен билан тиллашадиган сadoқатли ўқувчи, меҳри баланд, бағрикенг муштарийга эга бўлишнинг ўзи бўлмайди. Бунга эришиш учун эса, чинакам маънодаги синов майдончаси ҳисобланган – кенг ўқувчилар аудиторияси, уларни ушлаб қолиш учун эса тажрибали журналистлардан ташкил топган, қаламқашлар жамоаси зарур эди.

Мен сизларга ҳикоя қилиб бермоқчи бўлган мавзу айнан мана шу масалага дахлдор бўлгани боис, газетанинг сиз азизлар қўлига етиб боришида ўзининг ози-кўпни ҳиссасини қўшган инсонлар ҳақида, уларнинг шу кеча-кундуздаги ижодий фаолияти хусусида баҳоли-қудрат тўхталиб ўтишни виждоний бурчим деб ҳисоблайман.

1995 йилнинг эрта кузи, "Фильм'С" журнали бўйича бирга ишлашган, бир неча бор анъанавий Тошкент халқаро кино-фестивалида қатнашимизга сабабчи бўлган, ажойиб инсон Александр Горошин кўнғироқ қилиб, бир учралиб суҳбатлашшимиз зарурлигини айтиб қолди. Гап асосан янги газета ташкил қилинаётгани ва менга унинг ўзбек тилидаги нашрига масъул бўлиш вазифасини тақдир этиш хусусида борди. Мени қувонтирган нарсас янги газетанинг "Оила шифокори" деб аталishi бўлса, яна бир томондан мен шифокор бўлмасамда, аммо одамларга қувонч бахш этувчи касб эгаларининг меҳнатини улуғлаб, уларнинг ишини оммага танитиш билан шуғулланиш ҳам, мен учун табобатга дахлдорлик ҳуқуқини бергандек эди.

Қисқаси, барча тайёргарлик ишлари поёнига етиб, газетанинг биринчи сонини чиқариш устида қизгин тайёргарлик бошла-

тилда – "Домашний доктор" – "Оила шифокори" номлари остида бир ойда икки мартаба алоҳида-алоҳида нашр этиладиган бўлди. Газетани таъсис этувчилар барча материалларни рус тилида тайёрлашар, ўзбек тилида эса унинг 100 фоиз таржима қилинган нусхасини чоп этиш вазифаси қўйилган эди. Асосий штатда фақат рус тилида қалам тебратадиган журналистлар ижод қилишар, ўзбек тахририятида эса мен, матн терувчи Дилором Муҳаммадалиева ва мусахҳх Маъсудохон ҳамда жамоатчилик асосида яқин ҳамкорлик қилган Убайдулла Абдушоҳидов (ҳозир у «Тошкент ҳақиқати» – «Ташкентская правда» газеталарининг Бош муҳаррири)лардан иборат бўлган.

Аста-секин ўзбек тахририятини мустаҳкамлаш, унга ходимларни жалб этишга киришдик. Янги нашр ҳали-ҳануз рус тилида тайёрланаётган бўлишига қарамай, биз унинг йўналишини ўзгартириб, деярли буткул асл нусха материаллар ва асл макет бўйича газетани чоп этишга муваффақ бўлдик. Жамоамиз сафига Хонбиби Маҳамова, Акбар ва Акмал Алламурадовлар, Дония Зокирова ҳамда Нодира Султоновалар қўшилишди.

Ҳар бир газетанинг ўз жамоатчи муҳбирлари бўлади. Хали-ҳануз газета билан ҳамкорликни қўлдан бермай келаётган Акбар Алиев, Исқандар Раҳмон, Турсунхўжа Азлар-



доктор" газеталарига беш йил давомида бош муҳаррирлик қилиб келган тажрибали шифокор, тиббиёт фанлари доктори, профессор Шонасир Шоваҳобов шу йиллар мобайнида газетамизни тиббий жиҳатдан савияли бўлиши учун керакли маслаҳатларини биздан аямдади.

Газетада иқтисодий қийинчиликлар юзга келгач, тахририят ходимларига маошини ўз вақтида тўлай олмаганига ва қозғо масаласида муаммоларга дуч келганлигини билган таъсисчилардан бири "Азияполистройсервис" фирмасининг "Кенглик" кичик корхонаси муассислиқдан воз кечиб, барча ҳуқуқларини Соғлиқни сақлаш вазирлиги ихтиёрига ўтказди. Вазирлик томонидан алоҳида эътибор қаратилгани туйғули газетанинг иши анча юришиб қолди. Ўша кезлари ўзининг турли мавзулардаги мақолалари билан газетамизга мунтазам қатнашиб келаётган Ибодат Соатова, тириш-қоклиги, чакронлиги, энг асосийси топширилган вазифани ўз вақтида, сидқидилдан бажариб келиши билан кўпчиликнинг меҳрини қозонган, ҳатто бир-икки кун қўринмай қолса соғинадиган бўлиб қолган эдик. Вақти келиб тахририятга доимий ишга олиш масаласи кўндаланг туриб қолганда, Ибодат Жўраевна дарров бир тўхтамага кела олмаган эди. У соғлиқни сақлаш вазирлигига қарашли "Ҳамшира" журналади масъул котиблик қилар, у ерда бошлаб қўйган ишларидан қўнғил узиб кетиши оғир кечиб, Ибодат икки ўртасида қолганди. Йўқ, ахйир уни бутунлай тахририятга жалб этиш имконияти топилди. Мана

бугунги кунда Ибодат Соатова ижрочи муҳаррир сифатида фаолият кўрсатиб келаётган экан, ўзига билдирилган ишонччи бекаму кўст адо этиб келмоқда.

2000 йиллар охирига келиб, газетамиз профессор Субҳонқул Орипов бош муҳаррир этиб тайинланди. Мана шу даврда газетани бошқача номлаш хусусида анча гап-сўзлар бўлиб ўтди. Охир-оқибат газета Соғлиқни сақлаш вазирининг

МЕН УЧУН ФАХРЛИ

Вақтнинг бамисоли оқар дарё каби тутқич бермай бу-виллаб ўтишини қаранг. Бундан 10 йил муқаддам инсти-тутни тамомлаб, илк бор фаолият юрита бошлаган эдим. Буни қарангки, мен институтни тугатган йилим ҳозирда фаолият юритаётган газетам ўша вақтда "Оила шифокори" – "Домашний доктор" номи билан ташкил топган экан...

Хуллас, илк бор мазкур тахририятга келганимда мени Ибодат Соатова ва Миржалол Мир-алиевлар илиқлик билан қутиб олишгани ҳудди кечагидек эсим-да. Улар билан суҳбатлашиб, шу газетамда ишлаш ниятим борли-гини билдирдим. 2002 йилнинг дастлабки ойларида эса "Ўзбе-кистонда соғлиқни сақлаш – Здравоохранение Узбекистана" тахририяти жамоасининг сафи-га қўшилдим. Тиббиётни яхши билмаганим, унинг сир-асрорла-ридан воқиф бўлмаганим учун бу соҳада қалам тебратиш анча мушкул бўлди. Лекин устозим Ибодат Жўраевна бу борада ўзининг тахрибаси ва маслаҳат-ларини ҳеч қачон мендан дариг тутмади.

Яна шуни алоҳида таъкидла-шим жоизки, И. Соатова ўзи билан биргаликда тиббиёт му-ассасаларига, юртимизда фао-лият юритаётган халқаро таш-килотларга олиб бориб, улар билан суҳбатлашиб, қай тарзда мақола ёзиш кераклиги, ёзган-да ҳам унинг қайси жиҳатларига эътибор бериш лозимлигини доимо ўқтирарди. Ҳозирда ҳам ўзининг қимматли вақтини биз шогирдларидан аямая, билмага-нимизни ўргатиб, билганлари-мизни янада бойитиб, тўғри йўл-йўриқ кўрсатиб келади.

Шундай экан, мен ўшш "Ўзбекистонда соғлиқни сақлаш – Здравоохранение Узбекиста-на" тахририятининг ходимлари билан биргаликда елкама-елка туриб, унинг маъкеи учун фао-лият кўрсатаётганимдан фахрла-наман. Менга яқиндан ёрдан берган барча устозларимга ўзимнинг самимий миннатдор-чилигимни билдириб, уларга тани-соғлиқ, оилавий бахт ти-лайман. Фурсатдан фойдаланиб, жамоамиз ахлини ва барча мух-лисларимизни газетамизнинг 10 йиллик юбилеи билан чин қалб-дан қутлар эканман, уларнинг келажакдаги ишларига улкан зафарлар, ижодларига эса юк-сақ парвозлар тилаб қоламан.

Миржалол МИРАЛИЕВ,
бош муҳаррир
ўринбосари.

Холмурод РАББАНАЕВ,
катта муҳбир.



ниб кетди. Соғлиқни сақлаш ва-зирлиги томонидан газетамизга Шонасир Шоваҳобов Бош муҳар-рир этиб тайинланди. А. Горо-шин, Э. Хўжаев, А. Титенский-лар ноширлик кенгашининг аъзо-лари, В. Жувалев эса ижрочи муҳаррир вазифасини бажара бошлади. Дастлаб газета икки

хонов, Иброҳимжон Орифжонов, андижонлик Жалолиддин Турдиев, Хўжамназар Абдуллажонов синга-ри қаламқашлар "Оила шифокори"-нинг илк нашрларидан бошлаб, ўзларининг материаллари билан газетанинг кундалик фаолиятида иштирок этиб келишмоқда.

"Оила шифокори" – "Домашний

10 ЙИЛ ГАЗЕТА... МНОГО ИЛИ МАЛО

Кажется, мало, но если судить по выполненной работе, то очень много.

Она выполнила колоссальную просветительскую работу среди читателей по всем разделам медицинской науки и другим вопросам.

Роль газеты незаменима в борьбе с остро протекающими инфекциями.

На ее страницах мы с интересом читаем статьи о различных заболеваниях и их профилактике и лечении. В газете выступают профессора, академики, доценты и другие научные работники из различных отраслей медицины.

В газете освещаются решения

съездов, конференций, научно-практических совещаний по актуальным вопросам медицины.

Важную роль газета сыграла в деятельности акушер-гинекологов по оказанию консультативной помощи молодым матерям в деле воспитания и ухода за детьми ясельного и старшего возраста.

Последние достижения техники лазерных лучей и применение их в современной медицине, особенно хирургии, дали возможность без применения хирургического скальпеля проводить уникальные операции на глазах, помочь выздоровлению больных. Велико значение применения лучей лазера в офтальмологии.

Выход газеты на узбекском и русском языках увеличил число читателей, повысил ее популярность, поскольку значительно часть населения нашей республики составляют русскоязычные жители.

На страницах газеты освещаются новости, события и материалы политического содержания, являющиеся отчасти причиной повышения самосознания ее читателей.

Глядя на внешний вид газеты, бросается в глаза ее оригинальное оформление. Радует то, что работники редакции с каждым разом стараются разнообразить содержание материалов.

Желаю дальнейшего процветания газете.

К. БОЛТАЕВ, доцент.

ЗВОНИТ ИЗ АМЕРИКИ

Слышала, что вы торжественно отмечаете 10-летний юбилей своей любимой газеты. Хорошо помню, как мы работали вместе с первого номера, преодолевая немало трудностей и препятствий на пути.

Сегодня я занимаюсь привычным для меня делом — работаю корректором в американском издательстве. Мысленно чувствую себя в дружеских объятиях моих ташкентских друзей.

Поздравляю всех с 10-летним юбилеем нашей газеты. Желаю всего наилучшего, счастья и добрых творческих успехов.

Татьяна ПОДГУРСКАЯ,
США, г. Бруклин.

... Вот уже семь лет, как я с семьей приехал жить в США. Часто перезваниваюсь с друзьями, обмениваясь новостями. Меня обрадовало, что начатое нами дело продолжает жить и по сей день. Издание «Домашний доктор — Оила шифокори» стало престижным.

От всей души поздравляю весь коллектив редакции с 10-летним юбилеем газеты. Искренне желаю процветания и творческих успехов!

Александр Маркович ОРОШИН, г. Атланта, штат Джорджия, США.

Газета муштарийлар нигоҳида



— Газетачиликда ҳар хил ишлар бўлиб ўтади. Бизнинг вазифамиз газетани сифатли ва бенуқсон қилиб чиқариш ҳамда муштарийлар қўлига етказишдан иборат. Албатта, бу борада газета

таҳририяти билан ҳамкорликда ишлаш талаб этилади. «Узбекистонда соғлиқни сақлаш — Здравоохранение Узбекистана» газетаси бугунги кунда ўқувчилар меҳрини қозониб, тобора эътиборга

тушиб бораётган вақтли матбуотлар сирасига киради. Ташкил бўлганига мана 10 йил бўлибдики, таҳририят «Шарқ» НМАК билан мустаҳкам алоқасини узгани йўқ. Раҳбариятимиз ҳам ушбу газетанинг моддий-иқтисодий аҳолини ҳисобга олиб, охириги йилларда уни ҳақда саҳифалаш ишларига рухсат бериб келмоқда.

Мен бир муштарий сифатида ўзининг ранг-баранг мақолалари билан мухлислар кўнглидан жой ола билган газетага, унинг ижодий ходимларига омадлар ёр бўлишини тилайман.

Нарзулла ХАМРАЕВ,
«Шарқ» НМАК газета чоп этиш цехи бошлигининг ўринбосари.

СЕН ҲАЁТИМ — ГАЗЕТАМ

Бундан 3-4 йил олдин, бир тахлам газеталарни ўқиб туриб, улар ичида олдинги «Оила шифокори», яъни айна кундаги нашр «Узбекистонда соғлиқни сақлаш — Здравоохранение Узбекистана» газетаси ўзининг ўқимшли, ниҳоят даражада қизиқарлилиги билан мени ўзига жалб этганди. Ғўёки мен шу кунга қайта туғилдим, ушбу газета менинг ҳаёт зарваримга айланди. Ундаги республикамиз ҳаётида инсон саломатлиги йўлида ўзларининг маъсуляти, аммо шарафли хизматлари билан обрў-эътибор қозонаётган шифокору ҳамшираларининг олиб бораётган ишлари ва айниқса, газета саҳифаларини безовчи бир-бирдан чиройли шеър ва қатра, кўнгили изҳорларини ўқиб, қалбим нури зиёга тўлди. Шу кундан бошлаб, келажакда шифокор бўлишдек орузармонлар билан шахримиздаги Усмон Носир номи 241-мактабнинг 9-синфини муваффақиятли тугатиб, тўғри Ф. Боровский



номидаги тиббиёт коллежига ҳужжатларини топширдим ва талаба деган муқаддас номга мушарраф бўлдим.

Коллежда М. Юсупова раҳбарлигидаги тажрибали ўқитувчилардан тиббиёт сирларини кунт билан ўргандим. 2005 йилда эса мазкур коллежнинг «Хамширалик иши» бўлимини тугатиб, ўқишимни давом эттириш мақсадида Тошкент тиббиёт академиясига ҳужжат топширдим. Бироқ ўқишга тўлов шартномаси асосида кирганлигим учун оилавий шароитимизни ҳисобга олган ҳолда, ўқишимни давом эттира олмадим.

Мен бундан сираям тушқунликка тушганим йўқ. Чунки, мен айна пайтда 2-сонли марказий клиник шифохонасининг неврология бўлимида ҳамшира бўлиб ишламоқдам. Шунингдек, у ердаги барча тиббиёт ходимларининг хушмуомала, ширинсўз, камтарлиги ҳамда ҳамкорлик муҳити менда ишга, яъни касбимга бўлган қизиқишга катта имконият очди. Айниқса, қўли енгил шифокорлар Р. Каримова, С. Мусинова, Э. Жўраев, Л. Кондратова, Г. Сирожиқдировалардан илм сирларини ўрганиб, уларнинг маҳлафларига қўлоқ тутиб, келажакда албатта устозларингдек тажрибали шифокор, етук мутахассис бўлишга ҳаракат қиламан.

Ҳар тонг ишга отланар эканман, беморларим ҳузурига тезроқ боришга ошиқман. Ҳар бир куним ғўёки байрамонга руҳда ўтаётгандек бўлади. Чунки, мен ўз касбимни ниҳоятда қадрлайман ва энг асосийси сеvimли нашрим сабаб, тўғри йўл танлаганимдан фахрлимин кетаман. Мен айна шу фурсатдан фойдаланиб, кўтулғу ўн ёшини нишонлаётган газетанинг барча ижодкор ходимларига, айниқса, инсонлар кўнглига йўл топа олаётган мақолалари билан танилган ходимлар П. Мирпўлатов, И. Соатова, М. Миралиев, Л. Сидельникова, Н. Узоқова, А. Нуратдинов, Н. Толипов, Х. Раббанаева, В. Иванова, Ш. Абдуазимова, Г. Солихова, И. Илҳомова ва В. Пожогинларни бутун жамоамиз, қолаверса, республикамизнинг барча шифокору ҳамширалари номидан ушбу кўтулғу кун билан чин юракдан самимий муборакбод этаман. Уларнинг келажакдаги сермахсул ижодларига барака, эл саломатлиги йўлида фаолият кўрсатган барча тиббиёт ходимларининг меҳнатларини қадрлашдек савобли ишларида улкан зафарлар тилайман.

Зилола БОЗОРОВА.



— «Узбекистонда соғлиқни сақлаш — Здравоохранение Узбекистана» газетаси фаолиятим давомидаги энг қадрли ва ҳурматим рамзи ифода этилган ягона нашрдир. Қўп йилларки, ушбу газетани саҳифалаб келаман. Унинг меҳнатсевар, қалби пок, теран фикрловчи ижодкорлари билан ишлаш мен учун катта фахр. Айниқса, газетада чоп этилаётган мақолалар инсон саломатлиги учун муҳим аҳамият касб этиши нашрнинг ёруғ юзи десам янглишмаган бўламан. Фаолият жараёнида таҳририят ижодкорлари билан саҳифалаш ва макетлаш ишларидаги ҳам-

корлигим менга завқ бағишлайди. Чунки, улардаги тўғма истеъдод саҳифаловчи учун мушкуллик туғдирмайди. Таҳририятнинг тажрибали ходимларидан И. Соатова, М. Миралиев, Ш. Абдуазимова, А. Нуратдинов, Х. Раббанаев, В. Иванова ва Н. Толиповларнинг саъй-ҳаракатлари туфайли газета ўз нуфузи ва обрўини ошириб келмоқда. Мен барча тиббиёт аҳли жамоасини сеvimли нашримизнинг 10 ёши билан муборакбод этаман. Уларга тани-сихатлик, узоқ умр, ижодий баркамоллик тилайман.

Бахтиёр КҲУШОҚОВ,
саҳифаловчи.

— Биз оила аъзоларимиз билан сеvimли нашримизни мунтазам равишда мутолаа қилиб борамиз. Унда турли-туман рухлар асосида олиб борилаётган мавзуларнинг долзарблиги ҳар бир газетхонни бефарқ қолдирмайди. Агар газетанинг ҳар бир сонини олиб обдон ўқиб чиқсангиз, унинг мазмун-моҳияти ҳамда йўналиши бошқа вақтли матбуотларга қараганда ўзини ўрни ва мавқеига эга эканлигига гувоҳ бўласиз. Айна пайт бозор иқтисодиёти шароитида айрим газеталар кучли рақобат

таъсирида инқирозга дуч келяпти. Лекин мазкур газета кейинги беш йил давомида синов майдонидаги барча тўсиқларни енгиб келмоқда. Бу албатта, таҳририятда тинимсиз меҳнат қилаётган ходимларнинг ҳамкорликдаги ишларининг махсулидир.

Ижод аҳлини нашрнинг ўн йиллиги билан қутлайман. Ижодларига парвозлар ёр бўлишини истаб қоламан.

Турсунхўжа АЗЛАРХОНОВ,
жамоатчи мухбир.



— Менинг асосий суяничим — газета. Бир кун рўзномани қўлимга олмасам, бир нимамни йўқотгандек бўламан. Яқин ўн йилдан бери нашр этиб келинаётган «Узбекистонда соғлиқни сақлаш — Здравоохранение Узбекистана» газетаси сеvimли нашримга айланиб қолган. Ёшим 76 да. 60-йилларда Янггерда, 70-йилларнинг бошида эса Ширин шаҳридаги «Сирдарё ГРЭС қурилиши»нинг тиббий санитария қисмини ташкил этишдан то раҳбарлик лавозимига чад бўлган доволарни босиб ўтдим. Умримни табобатга бахш этган мана шу йиллар давомида юрак амри билан ишлашга ишладикку, аммо меҳнатимизни қадрлаб газетага ёзишларидан бебаҳра қолган эдик. Буни қарангки, газета («Домашний доктор»)нинг жамоатчи мухбири Холмурод Тوشмухаммедов деган ажойиб инсон хонадонимга ташриф буюриб, мен ҳақимда газетага мақола битиш ниятида келганини айтганда, ҳалол меҳнат ҳеч қачон хор бўлмаслигига яна бир қарра амин бўлдим.

Газетанинг ҳар бир сонини диққат билан ўқиб чиқаман. Унда чоп этилган турли мавзудаги мақолалар, шубҳасиз, ҳар бир тиббиётчига амалий кўмак беради, айтиш мумкинки, газета ҳам ўргатади, ҳам кўнгили чигилини ёзишда бизнинг энг яқин ҳамроҳимиз бўлиб қолган. Газетани мазмунли қилиб чиқаришда тинмай изланаётган барча ижодий ходимларга омад ёр бўлишини тилар эканман, ҳаммиша бор бўлинг, бундай тўйларни кўп бора нишонлаш насиб этсин, деб қоламан.

Зиёвуддин БОЛТАБОЕВ,
тиббиёт фахрийси,
Ширин шаҳри.



— Газета «Здравоохранение Узбекистана» вошла в мою жизнь несколько лет назад. На сегодняшний день я являюсь ее внештатным корреспондентом и освещаю медицинское состояние в Кашкардинском, Сурхандарьинском и Бухарском вилоятлах. Эта газета играет большую роль в укреплении здорового образа жизни по всей республике. Особенно радует то, что газета на сегодняшний день очень известна не только в странах СНГ, но и в Америке, Англии, Японии. Я была свидетелем того, что представители вышеперечисленных стран были довольны тем, с каким упорством государство заботится о здоровье своего населения. Пользуясь случаем, поздравляю коллектив газеты «Здравоохранение Узбекистана» с 10-летним юбилеем и желаю всего самого наилучшего.

Лариса БОРТКОВСКАЯ.

Ибрат

Қабулхона эшиги олдида тумонат одам. Хали иш вақти бошланмаган бўлишига қарамасдан кимдир бирор юмуш билан, яна кимдир дардига нажот излаб мутасадди раҳбар хузурига кириш учун навбат кутмоқда. Назорат шу даражада кучлики, ҳатто остона ҳатлаб вазирилик биносига киришининг ўзи амри маҳол. Бир амаллаб суҳбат баҳонасида одамлар орасидан кесиб ўтдим.

Қабулхона ичида ажойиб манзара. Тартиб-интизом, саранжом-сарипталик, ҳар бир таширф буюрувчиға кўрсатилаётган ҳурмат-эътибор, тинимсиз телефон кўнгироклари, ёрдам, шикоят ва мурожаатларға ҳозиржавоблик, бари-бариси ўз маромида. Соғлиқни сақлаш вазириликда ана шундай ҳавас қилса арзғудек интизомли ва тоза муҳитни яратган одам қабулхона мудири, устоз Болат Хиббимовични бир бора бўлса-да суҳбатға чорламасдан ўзга иложимиз қолмади. Яхши иш, ибратли меҳнат ҳеч қачон киши эътиборидан четда қолмаслигини англаб, суҳбатимизни давом эттирдик.

ХАЛҚ МАНФААТИ ЙЎЛИДА КЕЧГАН УМРЛАР...

— Устоз, ҳеч бир инсон йўғки, раҳбарлик шоҳушасига осонлик билан эришса. Эшиттишимча, сиз ҳам кўп йиллар мобайнида ана шундай масъулиятли касбларда фаолият юритиб келдингиз.

— Болаликдан жисмоний тарбияга, умуман спортга бўлган иштиёқим кучли эди. 50-йилларга келиб аҳоли орасида безгақ касаллиғи анча кўпайиб, баъзилар бу оғир дардан қаттиқ азият чекар, ҳаттоки ҳаётдан эрта кўз юмарди. Энг аянчлиси, акаларим ҳам ана шу дардга қалиниб қолдилар. Ўзингиз яхши биласиз, қишлоқ жойлариди бу каби касаллиқни доволаш, эрта олдини олиш учун энг аввало шифокорнинг ўзи йўқ эди. Уша кезлар Самарқанд шаҳридаги тиббиёт билим юртиға ўқишға кирдим. Мақсадим келажакда инсонларни турли оғир хасталиклардан халос қилиш, уларни доволашда етук матахассис бўлиб етишиш эди. Ниятларим ҳолис экан, 1956 йили билим юртини тугаллашим билан мени Иштихон туманидаги «Баҳрин» қишлоқ врачлик амбулаториясига мудири лавозимига тайинлашди. Ёш бўлишимға қарамай ўз устимда анча ишладим. Раҳбариятнинг менға бўлган ишончини оқлаш учун кеча-ю кундуз меҳнат қилдим. 1962 йилгача шу ерда фаолият юритган, би-

лимға бўлган чанқоқлик мени Самарқанд тиббиёт институти томон етаклади. Қарангки, институтнинг даволаш факультетиға ўқишға кириб, малакали устозлар қўлида таълим олдим. 1968 йил ўқишни тамомлаб, Иштихон туман Санитария-эпидемиология станциясида бош шифокор бўлиб ишлаб бошладим. 1971 йили туман марказий шифохонасига бош врач, 1975 йил эса туман юқумли касалликлар бўлимиға бош шифокор, 1979 йили яна қайтадан туман СЭСига бош шифокор бўлиб ишлаб юрган вақтларимнинг сўнгги йиллари (1986) Иштихон туманида Аналик ва болалик санаторий-профилакториясини ташкил этдим ва шу ерда раҳбарлик қилдим. Кейинчалик мутасадди раҳбарларнинг буйруғи билан 1990-95 йиллар оралиғида марказий туман шифохонасида яна бош шифокор лавозимида меҳнат қилиб келдим. 1995 йил туман сил касалликлари диспансерида бош врач, 2000 йилдан 2002 йилгача вилоят соғлиқни сақлаш бошқармасининг парҳез таомлар врачси сифатида туманда иш олиб бордим. Ва ниҳоят 2002 йилдан Соғлиқни сақлаш вазириликнинг қабулхона мудири вазифасида меҳнат қилиб келмоқдаман.

— Қизик, эътибор берадиган бўлсак, ҳаётингизнинг аксарият қисми раҳбарлик фаолияти билан ўтибди. Бунинг сабаби нимада деб ўйлайсиз?

— Тўғри, аксарият вақтим масъулиятли касблар орасида кечди. Чунки, раҳбарлик лавозимиди иш юритишнинг ўзи бўлмади. Биринчидан елкангизда улкан масъулият бўлса, иккинчидан юқлатилган ишончини қандай қилиб оқлаш мумкинлиги ҳаёлингиздан ўтиб қайтади. Ана шундай вазиятда бор билим ва тажрибамға қаттиқ суянганман. Раҳбарлик қилган мутасаддиларимда даставвал кадрлар масаласига алоҳида эътибор қаратиб, уларнинг малакасини ошириш ва қайта тайёрлашға жиддий аҳамият бериб келдим. Мақтанмиш эмас, аҳолининг яхши ва малакали тиббий хизматдан фойдаланиши учун шифохоналарда ҳамма имкониятлар яратилди. Халқнинг тиббий эҳтиёжларини яхшилаш учун кўп ўринли қурилишлар амалға оширилди. Хабарингиз бор, 1968-70 йилларда шифохоналарда етук ва тажрибали мутасаддилар етишмасди. Бу каби муаммоларнинг ечимини топиш мақсадида шифокорлар малакасини оширилиб, уларни қайта тайёрлаш борасида турли давлатлар билан алоқалар бўлиб турган. Хар ҳолда ўша пайтлар муайян даражадаги ишларға пойдевор ясалган эди. Лекин бир нарсани алоҳида тилға олиш керак, раҳбарлик даражаси — қоята турган қушға ўхшайди. Ҳаётки, уни қалқиб турган томчиға ҳам қиёслашди. Баъзан эса юқори мансабнинг умри қисқа деб эшитиб қоламиз. Ал-



батта, жамиятда фақат яхшилик ва ҳақиқат ҳукмрон бўла олмаганидек, раҳбарлик лавозимига ҳам назар тиккан ва унга эришиш учун ҳар қандай ёвуз ниятлардан қайтмайдиган инсонлар бугун орамизда йўқ эмас. Мана кўз очиб юмгунча 68 ёшни қоралаб, бу машаққатли ва масъулиятли довларни енгиб ўтдим. Муҳими, давлатнинг, қолаверса раҳбариятнинг менға бўлган ишончини оз бўлса-да оқлай олган бўлсам, демак меҳнатларим зое кетмабди, деб ўйлайман.

— Келинг, суҳбатимизни бугунги фаолиятингиз билан боғласак. Назаримда қабулхонаға келган ҳар бир мурожаат этувчи билан муомала қилишнинг ўзи бўлмаса керак.

— Биласизми, қабулхонаға келганларнинг кўпчилиғи вазир хузурига мурожаат қилиб келишганини айтишди. Ваҳоланки, ҳар бир раҳбарнинг ўз вазифаси бор. Жумладан, вазир амалға оширадиган ишлар ҳамма вақт ҳам мурожаат талабларини таъминлавермайди. Қўйилган масалаларни атрофлича кўриб чиқадиган вазир ўринбосарлари, ёрдамчилар ва керак бўлса соғлиқни сақлаш бошқармалари мавжуд. Уларнинг вазифаси халққа ижтимоий ва тиббий ёрдам кўрсатишдан иборатдир. Шунинг учун қабулхона олдиға бирор масала билан келган одам борки, унинг муаммолари беэътибор қолмайди. Вазириликнинг керакли мутасадди раҳбарлари орқали боғланиб, мавжуд масалаларнинг тез ва осон ечилишиға ёрдам берамиз. Даволанишға келган имтиёзли шахсларға, кам таъминланган оилаларға касал-

ликни текширтириш учун ва-зирлик тасарруфидаги тиббиёт муассасаларига йўланмалар берилади.

Ешликдан ота-онам менға доим инсонларға нисбатан муомала, камтарлик ва камсуқумлик билан муносабатда бўлиши ва ҳаётда ҳалол меҳнат билан яшаш кераклигини ўргатиб келишган. Ана шу фазилатлар бевосита ишлаш жараёнида асосий ўрин эгаллайди. Дарвоқе, қабулхонаға хар йили 2000 га яқин, хар кун эса 20-30 нафар турли ижтимоий тоифадаги шахслар мурожаат қилишади.

— Мана бу йил газетанинг 10 йиллик юбилейи кенг нишонланмоқда. Сизнинг муштарий сифатида газетаға бўлган муносабатингиз ва тилақларингиз.

— Ҳақиқатда газета 10 ёшға тўлди. Бу қутлуғ сана барчамизнинг байрамимиздир. Соғлиқни сақлаш тизимида етакчи матбуот нашри ҳисобланган «Ўзбекистонда соғлиқни сақлаш — Здравсохранение Узбекистана» газетасидаги ҳар бир мақола шифокорлар учун, айниқса, эндигина шифокорлик халатини кийган кадрлар учун яхши қўлланма сифатида амалий ёрдам бера олади, деб ўйлайман. Барчамизнинг мақсадимиз аҳоли манфаати йўлиға қаратилган экан, бу борда тахририят ҳодимларининг савобли ва ибратли ишларига зафарлар тилайман. Инсон учун ҳаётда икки нарса муҳим: бири тинчлик бўлса, бири соғлиқдир. Ана шу буюк неъматнинг қадриға етиб яшаш бахти ҳаммамизға ҳам насиб этсин.

Суҳбатдош: Намоз БЕК.

СУРХОН ЭЛИ ҚУТЛУҒ АЙЛАР...

Минг тўққизининг тўқсон беши,
Октябрнинг эрта боши.
Чикди газетнинг илк сони,
Азиз бўлди унинг номи.

“Оила шифокори” дея номингни,
Юксакларға кўтардилар шаънингни.
Ўзгартириб беш ёшингда номингни,
Кўпайтирди мухлисларнинг сонини.

Янги номинг барчамизни суюнтирди,
Мухлисларни изланишға уринтирди.
Ёзиб толмас Ибодатдек опаларинг,
Орта қолмас жамоатчи акаларинг.

Йилдан-йилға ўқувчингни сони ортди,
Кўшниллар ҳам ўқиш учун сенға шошди.
Ибн Сино шоғирдлари бари сенди,
Ҳамшира-ю шифокорлар сафи ошди.

Анджону Бухорода елкадошинг,
Самарқандда СамТИ эрур олийгоҳинг.
“Педфак”ингда болаларнинг шифокори,
“Санфак”ингда тозаликнинг посбонлари.

Тошкентдаги академия нуфузингдир,
Ёшлар учун тибколлежлар қалб кўзидир.
Мен ҳам сенинг битта оғанг тиббиётчи ён бошингда,
Сурхон эли қутлуғ айлар муборақли ўн ёшингда!

Чори ҚОРАҚУЛОВ, шифокор,
Сурхондарё вилояти, Шўрчи тумани.

Шеърингиз гулшани

БАҒИШЛОВ

Тиббиёт сирларидан сен бохабар этасан,
Ибн Сино ўғитин қалбимға жо этасан.
Олтинга тенг инсоннинг, соғлиғини сақлайсан,
Шифокору ҳамшира хизматини оқлайсан.

Неча минглаб мухлислар, тафтин олган сирдошсан,
Барча дардли қалбларға, тўёки сен малҳамсан.
Муаммо-ю, камчилик, жойида ҳал этасан,
Сенға ҳамма баробар, бир кўнгилда қарайсан.

Кўнгли қолса рўй-рост, дангалиға оласан,
Хом сут эмган бандасан, тўғри йўлға соласан.
Олис қишлоқ, туманлар, сенинг учун бир қадам,
Ўткир нигоҳинг билан назардан қолдирмайсан.

Мавзуларинг сермахсул, доимо олдинда бўл,
Қутлуғ тўйинг муборақ, нури-зиё сочиб юр!
Тилагим шу — ҳаммиша элнинг назарида бўл,
Олгину олдирмагин, Оллоҳ паноҳида бўл!

Тиловат СОАТОВА,
Ўзбекистон Республикаси Президенти
хузуридаги Давлат ва жамият қурилиши
Академиясининг катта муҳаррири.

АҲДИНГ МУБОРАК

Энг меҳру садоқатли ҳамдард газета,
Сермазмун, доноларға пайванд газета.
Ўн яшар, навқирон бахтинг муборақ,
Узоқ йиллар шарҳиға аҳдинг муборақ.

Асосий вазифанг соғлиқни сақлаш,
Ўзбекистон халқиға бўлмоқлик дилкаш.
Боболар, момолар дардига малҳам,
Ота-она, болалар жисмиға бардам.

Сендан қутар элнинг янги билимлар,
Хизматингда шифокор, катта олимлар.
Турли хуружлардан маълумот бериш,
Уларни доволаш, олдини олиш.

Йўлида раҳбаринг мутахассислар,
Беради ваколат, билим таҳсинлар.
Табиат ва ҳаётинг гўзалликларин,
Шеър қилиб ёзади сенға мухлислар.
Мухтарам ХАМИДОВА,
профессор.



Qalb tug'eni

ИМОН

Баъзан торайиб кетади дунё,
Осмон узок ер қаттиқ гоҳо.
Кўксинга сиймай юрагинг дейсан,
Бормисан, йўқмисан қайдасан Худо.

Кўкка термуласан, кўкдан садо йўқ,
Ерга термуласан, ердан нидо йўқ.
Шунда англайсанки, гоҳи ҳаётда,
Ўзингга ўзингдан ўзга паноҳ йўқ.

Аммо сен эгилмас, эгилма инсон,
Қисмат билан олиш, оташларда ён.
Ҳеч нарса енголмас, енголмас инон,
Кўксингга бор экан покиза Имон.

У БИР ОВОЗ ЭДИ

У бир овоз эди дилкаш дилрабо,
У бир овоз эди, юракка ошно.
У бир кеча эди, сархуш ва бедор,
У бир баҳор эди, қайтмас беғубор.

Шеърят бўстонида ўзининг дил туг'енлари ила ижод қилган Азизахоннинг шеърларида қалбни ларзага солгувчи сатрлар сизни беихтиёр ҳаёлот оламига олиб киради.

У кеча мен масту мастона эдим,
Дунё ташишидан бегона эдим.
Ҳамиша ўғайлик қилган қисматнинг,
Ажиб тухфасидан хайрона эдим.

КИМ БЎЛСАНГ БЎЛ

Ким бўлсанг бўл, аммо юзингда ҳаё бўлсин,
Гар ошиқ бўлсан йигит, кўнглингда вафо бўлсин.
Мансаб менда, имкон менда, дея катта сўзлама,
Кам сўзла, сўзингда вази бирла маъно бўлсин.

МЕНИНГ МУҲАББАТИМ

Менинг муҳаббатим бечора ғариб,
Ошиқона кўллар силамас бошин.
Ёлғизлик ва ҳаёл унинг-чун тақдир,
Оғирдир кўтармоқ мавҳумлик тошин.

Севдимиз кўнглимни очмадим Сизга,
Муҳаббат ва вафо гўзал сўзлар эмас.
У шикаста дилдир, йиллардир узок,
Кўзлардаги мунгдир, сочлардаги оқ.

Азиза НЕЪМАТОВА,
шифокор.

Хабар

ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЙЎЛИДА

Жорий йилнинг 18-19 октябрь кунлари Тошкент Фармацевтика институтининг мажлислар залида "Фармацевтикада таълим, фан ва ишлаб чиқаришнинг долзарб муаммолари" мавзусида илмий-амалий конференция бўлиб ўтди. Мазкур анжуман ишида доришunosлика алоқадор республикамиз мутахассисларидан ташқари Россия, Украина, Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон давлатларидан келган таниқли олимлар ҳамда Жаҳон Соғлиқни Сақлаш Ташкилотининг экспертлари ва чет эл фирмалари ваколатхоналарининг ходимлари иштирок этдилар.

Ушбу конференцияни Соғлиқни сақлаш вазирининг ўринбосари Н. Шарипов кириш сўзи билан очиб, фармацевтика таълим, фан ва ишлаб чиқаришнинг уйғунлиги, Ўзбекистондаги фармацевтик бозор муаммолари ва истиқболлари, клиник фармацевт тайёр-



Тиббий маданият...

Бундан икки йил муқаддам, яъни 2003 йили Фарғона вилоятида "Оилада соғлом турмуш тарзи ва турмуш маданиятининг долзарб муаммолари" мавзусида амалий анжуман бўлиб ўтган эди. Жорий йилнинг сентябрь ойида ҳам мазкур вилоятда Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Республика Саломатлик институти, Фарғона вилояти соғлиқни сақлаш бошқармаси ва Саломатлик институтининг Фарғона вилоят филиали ҳамкорлигида ана шу мавзуда амалий анжуман ўтказилди.

Тадбирни Республика Саломатлик институтининг директори З. Муталова кириш сўзи билан очиб, Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 5 июлдаги "Оилада тиббий маданиятни ошириш, аёлларнинг соғлиқини мустаҳкамлаш, соғлом авлод туғилиши ва уни тарбиялашнинг устивор йўналишларини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорининг қабул қилинганлиги, Президентимиз ташаббуси билан 2005 йил "Сихат-саломатлик йили" деб эълон қилинганлиги, қарор ва дастурда кўрсатиб ўтилган чора-тадбирларни амалга ошириш учун давлат томонидан катта маблағ ажратилиб, ушбу қилинаётган ишлар шунчаки чора-тадбирлар эмас, балки мақсадли равишда ва биринчи галда ҳар бир оила, ҳар бир бўлажақ инсон манфаатига йўналтирилганлигини кенг оммага етказиш лозимлигини, оилаларда тиббий маданиятни ошириш борасида ташвиқот-тушунтириш ишлари янада кучайтирилиши, аёлларнинг репродуктив саломатлигини яхшилаш юзасидан халқроқ ташкилотлар билан ҳамкорликда бир неча йўналишда лойиҳаларни татбиқ этиш тўғрисида батафсил тўхталиб ўтди.

Мазкур анжуманда Саломатлик институтининг барча вилоят филиаллари раҳбарлари иштирок этди. Сўзга чиққан барча мутахассислар аҳоли ўртасида соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш, оилада тиббий маданиятни оширишда соғлом турмуш тарзининг роли, зарарли одатларнинг инсон саломатлигига таъсири, соғлом турмуш тарзини шакллантиришда нодавлат ташкилотларининг ўрни каби масалаларга атрофлича тўхталиб ўтдилар.

Намоз ТОЛИПОВ.

Газетанинг байрам-сони саҳифаларини таҳриратнинг ижодий жамоаси тайёрлади.
Суратлар муаллифи Асен НУРАТДИНОВ.



лаш заруриятлари ҳақида, дори-дармонлар нархини арзонлаштириб, беморга етиб боришни яхшилаш, маҳаллий хом ашёлар асосида дори-дармонлар яратиш, дори воситалари субстанция ва дори шаклларининг технологиясини такомиллаштириш, уларнинг сифатини назорат қилиш ва стандартлашнинг замонавий усулларини жорий этиш каби масалалар бўйича эришилган ютуқлар тўғрисида қисқача тўхталиб, иштирокчиларни бугунги тадбир билан самимий қутлади.

Сўнгра, Тошкент Фармацевтика институтининг ректори А. Юнусхўжаев сўзга чиқиб, институтда таълим ва ишлаб чиқариш интеграцияси яхши йўлга қўйилгани, юқори малакали профессор-ўқитувчилар талаба ёшларга чуқур билим бериш билан биргаликда уларга шу соҳа бўйича яратилган ангилликларни етказиб бераётганлигини, мазкур даргоҳда ўқув сифатини яхшилаш, таълимдаги узлуксизликни таъминлаш мақсадида илғор ўқув технологиялардан — масофадан ўқитиш тизими йўлга қўйлаётганлигини таъкидлади.

Шунингдек, конференция иши якунланиши билан 20-21 октябрь кунлари Тошкент Фармацевтика институти базасида Жаҳон Соғлиқни Сақлаш Ташкилотининг экспертлари ҳамда Мустахил ҳамдўстлик мамлакатларининг етакчи олимлари иштирокида фармацевтик таълимни такомиллаштириш ва Тошкент Фармацевтика институтида таълим соҳасида эришилган ютуқларни оммалаштириш бўйича семинар-иштирок бўлиб, унда фармацевтика таълимнинг стратегик режалари, халқроқ ҳамкорлик ва тажриба алмашиш масалалари белгилаб олинди.

Холмурод РАББАНАЕВ.

ЎЗБЕКISTONDA
SOG'LIQNI SAQLASH
ZDRAVOOXRANENIE
UZBEKISTANA

Gazeta muassisi:
O'zbekiston
Respublikasi
Sog'liqni saqlash
vazirligi

Bosh muharrir:
Po'lat MIRPO'LATOV.
Ijrochi muharrir:
Ibodat SOATOVA.
Tahrir hay'ati raisi: F. NAZIROV.
Tahrir hay'ati a'zolari: B. ARIPOV (Bosh muharrir o'rinbosari),
B. ALIMOV, G. ISLOMOVA, O. MIRTAZAYEV,
O. MUHITDINOVA, M. MIRALIEV (Bosh muharrir o'rinbosari),
B. NIYAZMATOV, F. OQILOV, N. OTABEKOV,
X. RABBANAYEV, R. SOLIXO'JAYEVA, N. TOLIPOV,
M. TURUMBETOVA, A. UBAYDULLAYEV,
F. FUZAYLOV, N. SHAROPOV.

Manzillimiz: 700060, Toshkent, Oxunboboev ko'chasi, 30-uy, 2-qavat. Tel/faks: 133-57-73; tel. 133-13-22. Gazeta O'zbekiston Respublikasi Matbuot va axborot agentligida 2003-yilning 17-noyabr kuni ro'yxatga olingan, guvohnoma raqami 211. Adadi 9.250 nusxa. O'zbek va rus tillarida chop etiladi. Haftaning seshanba kunlari chiqadi. Maqolalar ko'chirib bosilganda O'zbekistonda sog'liqni saqlashdan olindi deb ko'rsatilishi shart. Buyurtma t-953.

Gazeta «SHARQ» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etiladi. Korxonamanzili: Toshkent shahri, Buyuk Turon ko'chasi, 41. Hajmi 2 bosma taboq. Format A3. Ofset usulida bosilgan. Gazeta IBM kompyuterida terildi va sahifalandi. E'lon va bildiruvlardagi fakt hamda dalillarning to'g'riligi ushbu reklama va e'lon beruvchilar mas'uldird.

Sahifalovchi: Baxtiyor OO'SHOQOV.
Bosmaxonaga topshirish vaqti 19.00.

Осенние
заболевания
УКРЕПЛЯЕМ
ИММУНИТЕТ

Многие из нас, увидев первые желтые листья, таяло въздыхают: «Ну вот, опять-сезон простуд!» Но ведь причина так называемых сезонных простудных заболеваний - не только в «изменениях в природе», которые происходят из года в год, но и, очень часто, в снижении иммунитета.

Существуют три основные причины, резко понижющие иммунитет. Во первых, стрессы. Когда нервная система посылает сигнал «стресс», надпочечники начинают выделять большое количество гормонов, которые угнетают иммунитет. В результате защитные силы ослабевают, а возбудителям инфекции легче «завоевать» организм.

Во-вторых, вредные привычки. Никотин и алкоголь являются сильными ядами. Чтобы их нейтрализовать, требуется большое напряжение иммунной системы.

В-третьих, малоподвижный образ жизни и плохое питание. Недостаток мышечной работы оборачивается тем, что замедляется работа практически всех систем, в том числе и иммунной.

Но поскольку в наше время никто из нас не застрахован от стрессов, запоминайте простые и эффективные способы повышения защитных сил организма.

Сейчас самое время поддержать свой организм свежими фруктами. К примеру, смешайте сок двух яблок, двух морковок, одного помидора, четвертушки свеклы и одного лимона. Пейте 3-4 раза в день за 20 минут до еды. Если нет возможности готовить сок для себя несколько раз в день, возьмите за правило хотя бы по утрам выжимать стакан сока из любых пяти наименований фруктов и овощей, которые имеются в наличии у вас в холодильнике. Полезны соки не только фруктов, но и таких овощей, как картофель, капуста, огурец, перец. В небольших дозах и в хорошей «компани» с вкусными фруктами эти овощи приносят большую пользу. Можно воспользоваться и готовыми соками из магазина, однако они менее полезны, чем свежевыжатые по многим параметрам.

Прекрасные помощники в борьбе с иммунитетом - натуральные травы. Среди них: эхинацея, женьшень, лимонник, элеутерококк, клевер, одуванчик, алоэ, солодка, крапива и обыкновенная, чеснок. В них содержится целый букет целебных веществ, которые имеют противовоспалительное, противовирусное, противогрибковое и, наконец, иммуномодулирующее действие. Причем даже более мощное, чем у традиционных синтетических лекарств. Кроме того, натуральные продукты действуют «мягко», наиболее естественным и физиологическим путем, и практически не вызывают побочных реакций.

Подготовила
Ирода ИЛЬХАНОВА.